# Тошкентнинг «Оқшом» газеталари — 30 ёшда

***Ўттиз йил муқаддам —1966 йилнинг 1 июль куни кечки пайт «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони ўқувчилар қўлига теккан эди. Ўша пайтлар пойтахт улкан қурилиш майдонига айланганди. Ана шу яратиш, бунёдкорлик ўттиз йил давомида шаҳар газеталарининг етакчи мавзуси бўлиб келди.***

## ЭЛДА СУЮКЛИ

Агар Тошкент табиий офатдан сўнг яна қад ростлаб, замонавий уй-жой, маъмурий, маданий-маиший бинолари билан кўркамлашган, ҳудуд жиҳатидан кенгайган ҳам бўлса, у Истиқлол шарофати билан суверен давлатнинг пойтахтига айлангач, том маънода иккинчи ёшлигини бошидан кечира бошлади. Шаҳарда бир-икки йил эмас, бир неча ой бўлмаган киши рўй берган ўзгаришлардан ҳайратга тушмай қолмайди.

Халқимизга мустақиллик ато этган куч-қудратни худди шу мисли кўрилмаган қурилиш суръатларида кўриш мумкин. Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод этиш ҳақида ҳукумат қарори чиққандан сўнг бир йил ичидаёқ кафтдек текис, ўқдек тўғри Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари ўтказилди. Яна кўп ўтмай улар чеккасида қад ростлайдиган миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлаштирилган уйлар, бошқа ноёб иншоотлар кўзни қувонтиради.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталаридаги «Келажакка юз тутган шаҳар», «Эски шаҳар ёшаради», «Шаҳарнинг ноёб иншоотлари қурилишида», «Пойтахт истиқболи» рукнлари остида деярли ҳар сонда бериб борилаётган мақола, репортажлар ўқувчиларни бу бунёдкорлик ишлари ва режаларидан батафсил хабардор қилиб турибди. Биржа маркази, «Тата» меҳмонхонаси, «Тошкентленд» ва «Сув боғи», ўнлаб кичик нон корхона ва дўконлари, Юнусободдаги ноёб теннис мажмуаси, Миллий боғ, бири-биридан гўзал бозорлар, янги транспорт йўналишлари барпо этилиши, ҳозир қурилиши ниҳоясига етаётган Темурийлар тарихи давлат музейи, Олой бозори олдидаги уч қаватли йўллар кесишмаси ва бошқа кўплаб иншоотлар қурилиши ҳақидаги лавҳа ва репортажлар шулар жумласидандир.

«Оқшом» газеталари биринчи сонлариданоқ ўз ўқувчисига яқин бўлиш, унинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, ҳаммабоп нашрларга айланишни ўзларининг асосий мақсадлари, деб билганлар. Бу ажойиб анъаналарга таниқли адиб, эҳтиросли публицист, шаҳар газеталарининг биринчи муҳаррири Саъдулла Кароматов ва у бошчилигидаги ижодий жамоа томонидан асос солинган эди. Оқшомчиларнинг бугунги авлоди ана шу яхши ишларни изчил давом эттираётганлари, янги-янги ташаббусларни бошлаб бераётганлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Мана беш йилдан бери таҳририят пойтахтдаги йирик корхона ва ташкилотлар ҳомийлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунига бағишлаб ижодий танловлар ўтказади. Уларда журналистлар билан бир қаторда мамлакатимизнинг, шунингдек Марказий Осиё давлатларининг таниқли ёзувчи ва шоирлари иштирок этадилар. Танловларга юборилган, газеталаримизда чоп этилган бу очерк, достон, лавҳа, шеър, мақола, суратлар буюк келажагини бунёд этаётган Ватанимиз, Истиқлол, Ҳуррият, Бунёдкорлик қасидалари, деса бўлади. «Оқшом» танлови ғолиблари орасида Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ўткир Ҳошимов, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, шунингдек Нормурод Нарзуллаев, қозоғистонлик ўзбек қаламкаши Баҳодир Собит бўлганлигини айтиб ўтиш кифоя. Бу йилги «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» ижодий танлови юртимиз мадҳияномасининг янги бобларини тўлдириши шубҳасиздир.

Ҳамма соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилаётган бугунги кунда бозор муносабатларини шакллантириш масалаларига журналистларимиз катта аҳамият бермоқдалар. Мунтазам бериб борилаётган «Тошкент тадбиркори» мақсади саҳифалари, «Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт», «Мулкни — ҳақиқий эгасига», «Хусусийлаштириш—давр талаби», «Иш билганга минг танга», «Бозор иқтисодиёти сиртқи мактаби» ва бошқа рукнлар ижодий изланишлар кўламини тасаввур этиш имконини беради. Уларда ислоҳотларнинг бориши таҳлил этилиши, янгича шароитларда ишлаш жараёнида тўпланган қимматли тажрибалар оммалаштирилиши билан бир қаторда камчилик ва нуқсонларга қатъий муросасизлик ҳам яққол кўзга ташланади.

«Тошкент оқшоми» фуқароларнинг ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз хусусиятларига жуда мос кўриниши—маҳаллаларнинг тикланиши ва ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бундан беш йил муқаддам газетамизда газетача — «Маҳалладош» бунёд бўлган эди. Ўшандан бери аввал илова, сўнг доимий саҳифага айланган бу сарлавҳа ҳар ойда «Оқшом»да мунтазам пайдо бўлади.

Газетамизда ўз вақтида биринчи марта элшунос олим Билол Аминовнинг «Наврўз»га эгизак, «Меҳржон» байрамини ҳам юртимизда кенг нишонлаш лозимлиги тўғрисидаги мақоласи эълон қилинган эди. Таҳририят ходимлари кузда шу байрамни биринчи бор ўтказилишига бошқош ҳам бўлдилар. Ана шу саъй-ҳаракатлар ўлароқ пойтахт марказидаги болалар маданият ва истироҳат боғи «Меҳржон» номини олди.

Истиқлол шарофати туфайли миллий қадриятларимиз тикланганидан сўнг истеъдодли ходимимиз — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, яқинда орамиздан кетган Тўлқин Расулев «Оқшом»да «Одобнома» махсус саҳифасини ташкил этишни таклиф қилди. Қисқа вақт ичида бу саҳифада Шарқ ахлоқ-одоби, инсонийлик фазилатлари ҳақидаги мақолалар эл оғзига тушди. Ўқув юртларига «Одобнома» дарсларининг киритилишида ҳам таҳририят ходимларининг ҳиссаси оз эмас.

Бундай ташкилотчилик ишлари таҳририят ходимларининг ижоди билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. «Тошкент оқшоми» «Маҳалла—оила — мактаб» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг бевосита ижрочиларидан биридир. Бугунги кунда шаҳар газеталарининг диққат эътиборида яна бир дастур «Маҳалла — корхона» тизимини жорий этиш, бу билан пойтахтда ҳам иш билан бандлик ҳам истеъмол бозорини тўлдириш муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш масаласи турибди.

Тошкент давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, илмий, айни пайтда маданий маркази ҳамдир. Адабиёт ва санъатга «Оқшом»да ҳамиша кенг ўрин берилган. Бугунги кунда ҳам ўқувчиларимиз «Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун» рукни остида таниқли ёзувчи ва шоирларимизнинг ҳали сиёҳи қуримаган қўлёзмаларидан парчалар ўқиш имконига эга бўляптилар. Шу билан бирга таҳририят адабий жараённи, театр, рассомчилик, мусиқа, санъатнинг бошқа соҳаларидаги янгиликлардан газетхонларни хабардор қилишга интилади.

«Сиҳат-саломатлик», «Жамият, Қонун, Тартибот», «Томорқа», «Болалар боғи», «Чорраҳа», «Кулгихона» — бу ва бошқа мақсадли саҳифалар қизиқиши турлича бўлган газетхонларимизнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди. Шу билан бирга ойига бир марта Тошкент хотин-қизлари ва ёшларига бағишланган алоҳида саҳифалар бериб борилаяпти. Анъанавий «Табиат ва инсон» саҳифасида атроф-муҳит муаммолари кўтарилади.

Газета ўқувчилари, жонкуяр жамоатчи муаллифлари, мухлислари билан тирик. «Оқшом»да ўз мақоласи билан чиқишни академик ҳам, ишчи қурувчи-ю, муаллим ҳам ўзига шараф, деб билиб келган. Бугунги кунда ҳам таҳририят фаол кўмакдошлари билан қалин алоқада. Мунтазам бериб борилаётган «Газета — муштарий — газета» саҳифаси ана шу ҳамкорлик самарасидир.

Ўттиз йил ижодий жамоа учун ўзига хос довон. Таҳририят ходимлари унинг юқори нуқтасидан ортга қараб бажарилган ишларга таъзим қилиш, олдиндаги масъулиятли вазифаларни кўриб эса енг шимариш лозим, деган фикрда. Ана шу давр мобайнида «Оқшом» ўз қиёфасига эга бўлди, ўқувчисини топди. У ҳеч муболағасиз халқ меҳрини қозонди. Оқшомчиларнинг ҳозирги авлоди шаҳар газеталари мазмуни ва мундарижасини янада бойитиш, унинг мустақил давлатимизнинг нуфузли нашрларидан бирига айлантириш учун истеъдод ва билимлари, тажрибаларини аямайдилар, доимо ижодий изланишда бўладилар.

*Муштарийлар минбари*

**Мусоқул УСМОНОВ,**
**Тошкент молия институти профессори:**

## ЁШУ ҚАРИ СЕВИБ ЎҚИЙДИ

— «Оқшом» билан дўстлашганимга, мана, чорак аср бўлиб қолди. Илк марта мақолам чоп этилгандаги қувончимни ҳозир ҳам таърифлаб беролмайман. Ўтган йиллар ичида юзлаб катта-кичик мақолаларим чоп этилди. «Одобнома» китобларимнинг пойдеворига илк ғишт ҳам «Оқшом»да қўйилганди.

Газета саҳифаларида тарихимиз, буюк сиймоларимиз, асрий анъана, удумларимиз тўғрисида чоп этилаётган материалларни алоҳида таъкидлагим келади. Айниқса, соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаёти, фаолияти, темурийлар даври ҳақидаги туркум материалларни ёшу қари бирдек иштиёқ билан ўқишига ишонаман.

Қадрдон «Оқшом»нинг заҳматкаш ходимларини ўттиз йиллик тўй билан чин қалбдан табриклайман.

## ҲАР МАСАЛАДА МАСЛАҲАТЧИ

**Алишер ВОҲИДОВ,**
**Республика 1-клиник шифохонасининг жарроҳи:**

— Ҳамманинг ўз севиб ўқийдиган нашри бўлади. Шу нашрни ўқимаса бир нарсасини йўқотгандек юради киши. «Оқшом»нинг бирор сонини ўқимай қолсам, то уни топмагунча тинчимни йўқотаман. «Оқшом»нинг кўплаб хайрли ташаббуслари бор. Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан эълон қилинган «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» танлови шулардан биридир. Ўйлайманки, шу рукн остида янги ва яхши асарлар дунёга келади.

Касбим шифокор бўлгани учун «Сиҳат-саломатлик» саҳифасини интиқлик билан кутаман. Унда берилган мақолалар биз шифокорларга кўп жиҳатдан қўл келади. «Наботот оламида», «Ўлкамизнинг шифобахш гиёҳлари», «Табиби ўзингиз» рукни остидаги материаллар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. «Одобнома», «Дам олиш оқшомида», «Табиат ва инсон» каби ўнлаб саҳифаларни айтмайсизми!

Истагим «Оқшом» бундан ҳам мазмунли бўлиб чиқаверсин. Биз муштарийлар унинг ҳар бир сатрига муштоқмиз. Чунки газета билан бирга мана ўттиз йилдирки уйимизга «Оқшом» журналистларининг эзгу тилаклари ҳам кириб келади-да!

## ОИЛАЛАР ҚАДРДОНИ

**Фотима МИРЗАБОЕВА,**
**уй бекаси:**

— «Оқшом»ни варақлаб туриб, бир фикр кўнглимдан кечади: унинг саҳифаларидан бутун оиламиз ўзи учун фойдали материаллар топа олади. Мен Ўзбекистон адибларининг янги асарларини, ҳикоя, шеърларни, айниқса, «Кулгихона» саҳифасини ёқтираман. Турмуш ўртоғим бўлса «Маҳалладош», «Жамият, қонун, тартибот», «Чорраҳа» саҳифаларини кутгани-кутган. Ўғлим эса «Тошкент тадбиркори» саҳифасидан кўп нарса олганини таъкидлайди.

Хуллас, ўттиз йилдан бери «Оқшом» — оиламизнинг қадрдони, маслаҳатгўйи. Ҳатто уни қўни-қўшниларимиз ҳам қўлма-қўл ўқишади. Газетанинг бунчалар ўқимишли, муштарийлар учун севимли бўлишида журналистларнинг хизматлари катта. Оиламиз номидан барча журналистларни газетанинг ўттиз йиллиги билан табриклайман.

**Ҳокимжон ҲОШИМОВ,**
**халқ ўқитувчиси,**
**шаҳримиздаги 22-мактаб директори:**

## ИЛМ ЭГАЛЛАШГА ДАЪВАТ

— Қадим-қадимдан илм эгаллашга даъват этиш, билим бериш савоб саналган. «Бешикдан қабргача илм изла» дейилади ҳадисларда ҳам. «Оқшом»ни ҳар сафар қўлимга олганимда шу нақлни эслайман. Унинг саҳифаларида шаҳримиз мактабларидаги ўқув жараёнлари ҳақида, олий ўқув юртлари ҳаёти тўғрисида, алломаларнинг ҳаёти борасида ўқимишли материаллар чоп этилади.

«Оқшом» билан ўттиз йилдан бери ҳамкорлик қилиб келаман. Кўплаб олимларимиз, муаллимларимиз ҳақидаги очерклар газета саҳифаларида босилди. Барибир, назаримда илм-фан тарғиботи камдек кўринаверади. Мактаб ҳаёти, ёш олимлар, ўқув тизимини яна мукаммаллаштириш, маорифимиз жонкуярлари ҳақидаги ҳикоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши бўлади.



**Қалбимга бахш этар дармон «Оқшом»им**
**Сенга ҳамроҳдирмиз ҳар он «Оқшом»им.**
**Ўқиймиз қўймасдан доимо қўлдан**
**Ҳамсуҳбатсан, ширинзабон «Оқшом»им.**

**Ўттиз йил ҳар сонинг юлдуздек порлар**
**Маънолар бобида уммон «Оқшом»им.**
**Муборак этамиз шул калом бирлан**
**Бўлсин довруғинг осмон «Оқшом»им.**

*«Оқшом» номи билан*

## ФАЙЗЛИ КЎЧА

***«Оқшом» номи билан аталадиган масканлар ичида Акмал Икромов тумани Усмон Юсупов маҳалласида жойлашган «Оқшом» кўчасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Аҳамиятли томони шундаки бу кўчанинг ташкил топганига мана 30 йил тўлди.***

— Бундан ўттиз йил муқаддам бу ерларда лавлагизорлар мавжуд эди, — деб эслайди шу кўчада истиқомат қилувчи Анвар ака Аҳмедов. — 1966 йилги зилзиладан кейин янги уй-жой қилиш учун бизга шу ерлардан ер ажратиб беришди. Пойдеворни кўтариш билан бир қаторда ён-атрофга дарахтлар ҳам экиб қўйдик. Вақтнинг шунчалик тез ўтишини қарангки, эккан дарахтлар бўй чўзди, битта-иккита хонадон ёнига қатор-қатор уйлар қўшилди. Гоҳо эккан дарахтларимиз соясида ўтириб қўни-қўшнилар билан ҳамсуҳбат бўламиз. Мана шундай кунларнинг бирида кўчамизнинг номини «Оқшом» деб қўйдик. Чунки оқшом чоғида жуда кўп масалалар ва яхши фикрлар борасида баҳслашамиз, севимли «Оқшом» газетасида босилган мақолалар ҳақида ўртоқлашамиз. Тўғрисини айтсам кўчамизнинг номини «Оқшом» деб номлаганимиздан фахрланамиз. Ҳозирги кунда бу ерда малакали мутахассислар, серфарзанд оилалар истиқомат қилишмоқда.

Агарда маҳалламизга қадам ранжида қилиб қолсангиз, бизнинг кўчамизга ҳам бир кириб ўтинг. Айниқса, йиллар давомида экилиб вояга етган дарахтларимизнинг соясалқини, келинларимиз, қизларимизнинг кўча эшиклари олдига сара-сара қилиб сув сепишларини кўриб, кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди.

Абдумажид РАИМОВ.

## ХАЙРЛИ АНЪАНАЛАР

Эсимда, 1966 йилги зилзила тошкентликлар бошига ташвиш келтирган кунлар эди. Ҳамшаҳарларимиз орасида «Тошкентда «Оқшом» деган газета чиқармиш» деган гаплар тарқалди. Кўнглимдан бир ажиб туйғулар кечди ушбу дамда. Агар шу гап рост бўлса нақадар яхши бўларди деган ўйлар кечди. Хуллас, 1966 йилнинг биринчи июль куни газета дўконларида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони сотилди. Газета муштарийлари уни қизиқиш билан ўқишга тушдилар. Кейин денг бошқа нашрлар қатори «Тошкент оқшоми» газетаси ҳам мен учун мақолаларим чиқадиган севимли нашрга айланди.

Ўқитувчи бўлганим учун ёшлар тарбиясига хос бўлган мавзу — тарбия мавзуида биринчи мақолани «Оқшом»нинг биринчи муҳаррири, раҳматли Саъдулла Кароматовнинг ҳузурига кириб топширганим, муҳаррир хонасида бўлган дилкаш суҳбат ҳамон эсимдан чиқмайди.

— Йигирма беш йилдан бери ўқитувчи экансиз, шу касб билан албатта пенсияга чиқасиз, — дея сўз бошлади Саъдулла ака ўшанда. — Бизга сизга ўхшаган жамоатчи мухбирлар жуда ҳам керак. Шу бугундан бошлаб сиз бизнинг жамоатчи мухбиримиз ҳисобланасиз, бундан буён ҳар ҳафтада қандай мавзуда бўлишидан қатъи назар, албатта, 2-3 та мақола билан қатнашиб турасиз. Чунки қўлингиз мақола ёзишга жуда келиб қолган экан.

— Имкони борича ҳаракат қиламан, ҳар ҳолда кўпроқ мақолаларни «Тошкент оқшоми»га олиб келишга сўз бераман, — дея Саъдулла акага ваъда бериб хайрлашдим.

Ана шунга ҳам роппа-роса ўттиз йил бўлибди. Шу йиллар мобайнида каминанинг қанчадан-қанча мақолалари «Тошкент оқшоми»да чиқмади дейсиз!

Яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен ишлайдиган 24-мактабдан 500 метр нарироқда Баландкўприк деган жой бўлиб, шу ердан Кайковус ариғи ўтарди. Кўча торлиги туфайли шу кўприк устида машиналар тез-тез тўқнашиб турарди. Ана шу кўприкка ёпишган бир хонадон бўлиб, унинг эгаси Кичкинахўжаев деган пенсионер отахон бешта боласи билан шу ерда яшарди. Бир куни мактабдан қайтаётганимда шу кўприк устида бўлаётган баҳснинг устидан чиқиб қолдим. «Қўштут» ва «Иттифоқ» маҳаллаларининг раиси бир фикрга келиб Кичкинахўжаев ҳовлисини бузиш кераклиги, унга қурилаётган уйлардан хонадон олиб бериш лозимлиги хусусида гаплашишар эди. «Қўштут» маҳалла қўмитасининг раиси раҳматли Қаюмхўжа ака Мансуровнинг кўзи менга тушиб қолди-да: «Мана, газета мухбири ҳам ўз оёғи билан келиб қолди, укам Ҳамидулла, сен «Тошкент оқшоми» газетасига кўп мақолалар ёзиб турасан, илтимос, маҳалламиздаги шу аҳволни ҳам ёзиб, кўчамизни кенгайтиришга ёрдам берсанг, савобли иш қилган бўласан», деб қолдилар. Бу таклиф ўзимга ҳам маъқул тушди. Шу куни «Бу аҳвол қачонгача давом этади» деган сарлавҳа остида мақола ёзиб, уни «Оқшом»га олиб бордим. «Тошкент оқшоми»нинг аралашуви билан яна бир муаммо ҳал бўлди, маҳалла аҳли газетада чиққан мақоладан ғоят мамнун бўлди.

Ҳа, «Тошкент оқшоми» газетаси халқ учун зарур бўлган бундай муаммоларни тез ҳал қилиб берарди. Ҳозирги пайтда ҳам «Оқшом» ўзининг бундай ажойиб ва хайрли анъанасини давом эттириб келмоқда.

Хуллас, мен «Тошкент оқшоми»нинг минглаб муштарийси қаторида, газетанинг жамоатчи мухбири сифатида «Оқшом» билан доим фахрланиб юраман. Шу боисдан ҳам бугунги қутлуғ кунда — Тошкентнинг «Оқшом» газеталари биринчи сони чиққан куннинг ўттиз йиллиги санасида газетанинг барча муштарийларини қизғин муборакбод этаман.

*Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,*
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.*

*Бизни қутлайдилар*

## ОМАД ЁР БЎЛСИН

«Тошкент оқшоми» пойтахт меҳнаткашларининг севимли газеталаридан биридир. У кўп сонли мухлисларига, ўзининг ажойиб анъаналарига эга. Меҳнат аҳлининг оғирини енгил, мушкулини осон қилиш мақсадида қаламга олинган долзарб мавзулар, кишини ўйга толдириб зарур хулосалар чиқаришга замин ҳозирлайдиган, чуқур маънога эга бўлган қизиқарли мақолалар унинг саҳифасидан доимо ўрин олган.

Газетадаги маънавият, одамийлик, инсон тақдири, қўҳна тарихимизга оид ранг-баранг маънодор мақолалар, кишида ёқимли табассум, завқ-шавқ уйғотувчи дам олиш саҳифаларини беихтиёр бош кўтармай ўқиган газетхон ҳам руҳан тетикланиб, жисмонан ҳузур қилиб ҳордиқ чиқаради. Бу шубҳасиз, ўз ишининг фидойиси бўлган газета ижодкор ходимларининг илҳом билан қалам тебратиб қилган меҳнатларининг бетакрор самарасидир.

Гўёки, тандирдан узилган нондек иссиқ, ижодкорлар кўз нури, қалб қўрини тўкиб тайёрлаган севимли газетамиз саҳифаларини меҳр билан ўқир эканмиз, замон билан доимо ҳамнафас эканлигининг шоҳиди бўлиб, унинг ютуқларидан фахрланамиз.

30 ёш — қирчиллама азамат йигитнинг камолга етганини билдиради. Газетанинг ижодий жамоасини бу сана билан шаҳар меҳнат аҳли номидан самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ижодий ишларида, Мустақилликнинг маънавий пойдеворини яратиш борасида янгидан-янги муваффақиятлар ҳамиша ёр бўлсин.

Омонулла САФОЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раиси.

## БАРКАМОЛЛИК ТИЛАЙМАН

Кундалик турмушимизни радио, телевидение ва газеталарсиз тасаввур этиш қийин. Кимга қанақа билмадиму, лекин мен учун «Тошкент оқшоми» газетаси алоҳида аҳамият касб этади. Нега дейсизми? Чунки бу газетада энг аввало шаҳримиз ҳаёти, янгиликлар, ахборотлар, жаҳон хабарлари, хуллас қайси соҳа ҳақида ўқишни истасангиз бемалол топа оласиз.

Йигирма тўрт йилдан буён газетанинг муштарийсиман. Ундаги ёритилаётган мақолалар ва очеркларни ўқиб юриб, ўзим ҳам бинойидек ижодкор бўлиб қолдим. Муҳарририятга қадам ранжида қилсам, албатта «Жамоатчи мухбиримиз» деб эъзозлашади.

Хуллас калом, мен севимли газетам «Тошкент оқшоми»нинг барча ижодкорларини, техник ходимларини, жамоатчи мухбирларини газетанинг навқирон ёши билан қутлайман, бундан кейинги ижодларига янада баркамоллик тилайман.

*Абдулла ТОЛИПОВ,*
*меҳнат фахрийси.*

***Дунёда шундай инсонлар бўладики, улар оламдан ўтгандан кейин ҳам бундай кишилар хотираси билан боғлиқ бўлган кўплаб воқеа ва ҳодисалар бир умр қалбингизда муҳрланиб қолади. Мен ҳар сафар ҳамкасб устозларим, раҳматли Саъдулла Кароматов, Максим Каримов, Борис Пармузин, Михаил Пругер, Михаил Савельев, Ҳайитбой Ҳакимов, Тўлқин Расулев, Усмон Юсуповдек кучли қалам соҳибларини эслаганимда улар билан бирга «Тошкент оқшоми» таҳририятида ўтган кунларим, бир вақтлар икки қаватли эски бинога жойлашган таҳририятимизда рўй берган унутилмас воқеалар кўз ўнгимда жонланаверади.***

*Ёднома*

## ЭҲТИРОМ

Саъдулла аканинг талабчан ва қаттиққўллиги, Максим аканинг келишувчанлиги, Михаил Федоровичнинг мажлислардаги «оташин нутқи», Михаил Пругернинг жонсараклиги, Борис аканинг шўх, беозорлиги, Тўлқин аканинг икки гапининг бирида «азизим»лаб туриши, Усмон аканинг куюнчаклигини унутиб бўлармиди! Мен ҳамиша мана шундай дилбар, беозор, ҳамиятли, дўстга содиқ устозлар билан бирга ишлаганимдан фахрланаман.

Бугун бу қаламкашларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб илиқ таассуротлар ва воқеий ҳикоятларни келтириш мумкин.

Муҳарриримиз Саъдулла Кароматов хонасига унча-мунча одам «юрак ютиб» киролмасди. Ҳар куни беш-ўн дақиқа давом этадиган режалаштиришга соатлаб тайёргарлик кўрардик. Муҳарриримизга қайси мақола маъқул тушишини бир-биримиз билан олдиндан муҳокама қилиб олардик. Хуллас, кечки йиғилишгача учтўрт мавзуни пишитиб, сўнг мажлисга кирардик.

Масъул котибимиз «ихлос» билан дафтарни очгач, Саъдулла ака бир чеккадан бошларди.

— Хўш, Усмонжон, сизда нима бор? (Ўша вақтда Усмон Юсупов адабиёт бўлимида ишларди).

— Фалончи ёзувчининг ҳикояси...

— Ҳикояни қўя туринг, — сўнг Саъдулла ака масъул котибга қараб. — Адабиёт бўлимига ёзинг, эрталабгача «Ёзувчи ижодхонасида» рукни остида олти қоғозли чиройли лавҳа тайёрласинлар. Саид Аҳмадми, Одил Ёқубовми, майли ёзувчини ўзингиз танлай қолинг.

— Шундай қилиб, кечгача ўтириб ўйлаган мавзуларимиз бир чеккадан чиппакка чиқаверарди. Саъдулла ака ўзи танлаган мавзуларни ҳар бир бўлимга ёздираверарди.

Навбат Тўлқин акага етгач, у сочини ўнг қўли билан юқорига кўтара туриб танлаган мавзусини секингина баён этарди. Агар мавзу муҳаррирга ёқиб қолса, ўша куни Тўлқин ака учун тўй, аксинча бўлса қовоғидан қор ёғарди.

Охирида Саъдулла ака бироз юмшаб: «Ўйлаган мавзуларингиз ёмон эмас. Лекин газетамизда ундан ҳам чуқурроқ, салмоқлироқ мақолалар босилса дейман. «Оқшом» ўз ўқувчисини йўқотмаслиги керак», дерди уқдириб.

Ҳайитбой Ҳакимов билан Усмон Юсупов «Саксон ота шаҳар кезади» рукни остида мақола ёзишни ёқтиришарди. Бир куни навбатдаги мақолани ёза туриб ўйланиб қолишибди. Уч йилдан бери «Саксон ота шаҳар кезади». Лекин унинг ёшида ўзгариш йўқ. Ахир газетхонлар йиллар ўтса ҳам нега Саксон отанинг ёши улғаймайди дейишмайдими, деган мулоҳазага боришибди. Тўлқин Расулевга ҳам бу фикр маъқул келиб шаҳар мавзуини ёритиш учун янги рукн танлашибди. «Замоний ҳангомалари» рукни мана шу тариқа газета юзини кўрди.

Михаил Пругер билан Михаил Савельевнинг ёшлари ҳам, меҳнат фаолиятлари ҳам деярли бир хил. Икки дўст ўта иноқ эдилар. Лекин шахмат тахтаси устида ёки мажлисларда бир-бирларини шунақанги савалар эдиларки, дўстларнинг бу «танқидидан» биз ҳам ўзимизга ибрат олардик.

Бунақа мисолларни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида ишлаган марҳум устозлар ҳақида кўплаб келтириш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос хислат ва фазилатли инсонлар сифатида қалбимизда бир умр муҳрланиб қолган ижодкор эди.

«Оқшом»нинг ўттиз йиллиги нишонланаётган ушбу дамларда марҳум устозлар олдида шогирдлар каломи сифатида уларнинг номини яна бир бор ҳурмат ва самимият билан ёдга олгимиз келди.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

**Йиллар ўтгани сари инсон унинг сарҳисобини ўйлаб қолади. Шундай пайтда ёзувчи яратган асарларини, меъмор тиклаган биноларини, мусаввир чизган суратларини бир-бир кўздан кечиради, кўнгли таскин топади. Ўтган йилларига ачинмайди, балки дилида қандайдир фараҳ туяди.**

*Тахламлардаги тарих*

## ЙИЛЛАР МУЖАССАМ

Биз журналистлар бўш қолдик дегунча газета тахламларини варақлаймиз. Саҳифаларда ўттиз йиллик меҳнатимиз, интилишимиз, жонбозлигимиз, фидойилигимиз, заҳматимиз, эшитган раҳматимиз муҳрланганини кўриб қалбимиз дарёдек жўшади.

Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида «Оқшом» газетасининг ўзига хос юмушлари бўлган, албатта. Бу янги-янги турар жой биноларининг тикланиши, зилзила оқибатларининг тугатилиши, ҳамшаҳарларимизнинг ўша дамлардаги орзу-ўйлари — барчаси катта-кичик, материалларда ҳаяжон билан битилган. Барчани илғор меҳнат қилишга чорлаган машҳур қурувчилар Ҳамид Қорабоев, Холхўжа Баҳодировларнинг юзидан жасорат ёғилиб турган суратларини кўриб бир қалқиб тушади киши.

Кунлар, ойлар ўтган сари шаҳримиз ҳам қиёфасини ўзгартириб, кўркамлашиб, дилбарлашиб борди. Айнан шу фазилатлар, яратувчанлик руҳи 70-йилларнинг журналистлари қалами билан газета саҳифаларига муҳрланди. Ўша йиллари ёш ижодкорларга ғамхўрлик кучайган эди. Бугун аксарияти таниқли шоир, носир бўлиб етишган қаламкашлар ўзларининг илк ижод намуналари билан «Оқшом» саҳифаларини безаган эдилар.

Саҳифаларни варақлаймизу худди ёмби топиб олгандек севинамиз. Сабаби кўп йиллардан бери учратмай қўйганимиз таниш муаллифларнинг исми, фамилияларини кўрамиз. Улар билан боғлиқ хотиралар яна жонланади. Газета саҳифалари тилга киргани шу бўлса керак.

Саксонинчи йилларнинг шукуҳи яна ҳам ўзгача. Шаҳримизнинг файзли оқшомлари, ҳамшаҳарларимизнинг меҳнатда эришаётган ютуқлари яна қалбимизни жунбушга келтираётгандек бўлади. Ҳар бир мақолада, ҳар бир лавҳада ўша кунларнинг зиёси, ўша кунларнинг ўзига хос бетакрор руҳи абадий яшаб қолгандек.

Газета тахламларини варақлашда давом этарканмиз, мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ «Оқшом» янада кўтаринки руҳ, янада жозиба, янада жасорат касб этганига гувоҳ бўламиз. Бунга «Оқшом» саҳифаларида кўринган янги-янги рукнлар — «Тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари», «Маънавий қадриятларимиз», «Маданий меросимиздан», «Бизни ўйлантираётган муаммолар», «Ўзбекистон ва жаҳон», «Мустақиллик мевалари» рукнлари остида берилаётган ранг-баранг материаллар гувоҳлик беради. Энди журналистларимизнинг, муаллифларимизнинг овозлари ўзгача юксак оҳанг билан суғорилгандек. Худди мустақилликнинг оромбахш шамоли уларнинг илҳомларини тамоман янги ўзанга солгандек. Ҳар бир материалда — хоҳ у бадиий асар бўлсин, хоҳ у оддий лавҳа бўлсин, миллийлик, миллий ўзўзини англаш балқиб туради.

Тошкент шаҳри она мамлакатимизнинг бош шаҳри, пойтахт шаҳри. Буни «Оқшом» тахламларини варақлаб, ҳар саҳифада аниқ кўришингиз мумкин. Айниқса кейинги беш йиллик мобайнида шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмида олиб борилаётган улкан қурилишлар «Оқшом» саҳифаларини ҳам безагандек, яшартиргандек гўё.

Газета тахламлари — бу ўттиз йиллик ҳаётнинг жамланмасидир. Уларда кечани кеча, кундузни кундуз демай изланаётган, ҳар бир янгиликни эл-юртга кўз-кўз қилишга ошиқаётган ҳамкасбларимизнинг меҳнати мужассам бўлган. Бу меҳнат оддийгина қилиб журналист меҳнати дейилади. Аслида эса ўттиз йил ичида чоп этилган материаллар одамларнинг, қолаверса шаҳримизнинг ўзига хос тақдири. Ўзига хос солномасидир.

Бугун газета тахламларини варақлаб туриб ана шуларни ўйладим. Ниятим — шаҳримиз бундан ҳам обод, кўркам бўлаверсин. Юртимиз истиқлол йўлидан келажак сари дадил одимлайверсин. Майли, йиллар ҳам чопқир тулпорлардек олға елаверсин. Биз «Оқшом»чилар эса ана шу паллалар тақдирини «Оқшом» тахламларида яна кўп йиллар муҳр этаверайлик.

*Темур УБАЙДУЛЛО.*

